


Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИ — БИЗ УЧУН КУЧ-ҚУДРАТ ВА ИЛҲОМ МАНБАИ, ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК АСОСИ



Президент Шавкат Мирзиёевнинг
Ўзбекистон Республикаси
давлат мустақиллигининг
30 йиллик байрамига
бағишланган тантанали
маросимдаги нутқи

2-3

Бугун биз ягона халқ, ягона миллат бўлиб, кўзлаган юксак мақсадларимиз сари дадил бормоқдамиз. Вужудимизда, қонимизда аجدодларимиздан мерос буюк қудрат жўш ураётган экан, биз эзгу орзу ва мақсадимиз бўлмиш янги Ўзбекистонни албатта бунёд этамиз. Ўзбекистон ҳар томонлама обод ва фаровон, эркин демократик мамлакатга айланади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



2021 йил
1 сентябрь
чоршанба
№ 114-115
(4555)

Ўзбекистон қасаба уюмлари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz



«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН» БОҒИ ВА МУСТАҚИЛЛИК МОНУМЕНТИ ОЧИЛДИ

2021 йил 31 август кўни истиқлолимизнинг ўттиз йиллигига бағишлаб бунёд этилган «Янги Ўзбекистон» боғи ва Мустиқиллик монументининг тантанали очилиш маросими бўлди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

— Бугун барчамиз, кўп миллатли бутун халқимиз жонажон Ватанимиз мустиқиллигининг ўттиз йиллик кўтлуг байрамнинг қувончи ва шуқуҳи билан яшамоқдамиз. Азал-азалдан обод шаҳар ва қишлоқлар, боғу роғлар, бетакор маданий обидалар бунёдкори сифатида шухрат қозонган меҳнаткаш ва олижаноб халқимиз пандемия ва глобал иқтисодий инқироз таъсирига қарамасдан, ушбу тарихий санани муносиб меҳнат зафарлари, улкан ютуқ ва ғалабалар билан кўтиб олмақда, — деди давлатимиз раҳбари.

Ушбу боққа жорий йил 1 май кўни илк кўчатлар экилган эди. Тарихчи олимлар, ижодкор зиёлилар, нурунийлар ва ёшлар билан маслаҳатлашиб, «Янги Ўзбекистон» мажмуасининг ғоявий ва меъморий ечимларига алоҳида эътибор қаратилди.

Агар юқоридан назар ташланса, боғнинг шакли улкан дарахтнинг бешта шоҳига ўхшайди. Бу Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналишини рамзий маънода ифода этади.

Бу гўзал боғда пойтахтимиз аҳолиси, барча ҳудудларимиз

ва хориждан келадиган меҳмонлар яйраб дам олиши, оиласи, фарзандлари билан бирга мазмунли ҳордик чиқариши учун барча замонавий шароитлар яратилмоқда. Сунъий кўл, спорт майдончалари, болалар ўйингоҳлари, амфитеатр, фаввора-лар, савдо ва хизмат кўрсатиш объеклари, ҳунармандчилик дўконлари ташкил этилмоқда.

Боғнинг марказий қисмида муҳташам бадий обиди — Мустиқиллик монументи барпо этилди.

— Биз бугун Ватанимиз мустиқиллигининг 30 йиллик байрамини кенг нишонлаёмиз. Лекин аслида, Ўзбекистон ҳудудидаги миллий давлатчилик тарихи 3 минг йилдан зиёд даврни ташкил этади. Бу жаҳон фанида эътироф этилган илмий ҳақиқатдир. Ушбу монументни яратишда мана шу концептуал ғояни ёрқин ифода этишга ҳаракат қилдик, — деди Шавкат Мирзиёев.

Маълумки, эл-юртимиз ўзининг қадимий ўтмиши давомида шонли воқеаларни, турли синов ва қийинчиликларни, зафарли даврлар билан бирга, фожияли кунларни ҳам бошидан кечирган. Мустиқиллик монументида булар бадий акс эттирилган.

ОЗОД ВА ҲҲР ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУЮК БАЙРАМИ

Мамлакатимиз мустиқиллигининг ҳар бир йили қадрли, салмоқли. 30 йиллик эса бу тарихни ўзида қамраган янада шонли сана. Шу кўнларда халқимиз мазкур айёмни зўр шоду ҳуррамлик билан нишонламоқда.

Бу йилги байрам тантанаси шу санага бағишлаб бунёд этилган «Янги Ўзбекистон» боғида ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлаб, бутун халқимизни мустиқиллигининг 30 йиллик байрами билан табриклади.

— Барчамизга аёнки, эл-юртимиз асрлар давомида озод ва эркин ҳаётни, адолатли жамиятни орзу қилиб яшади. Бу муқаддас мақсад йўлида жон олиб, жон бериб курашди, машаққатли синовларни мардона енгиб ўтди. Халқимиз қалбидидаги ҳуррият сари эзгу интилишни ҳеч қандай босқин, зулм ва зўравонликлар йўқота олмади. 1991 йил 31 август кўни мамлакатимиз ҳаёти ва тақдирида туб бурилиш ясаган, том маънодаги буюк тарихий воқеа юз берди. Неча юз йиллар давомида келажакка катта умид ва ишонч билан қараб, ҳамиша сабр-матонат билан яшаган халқимиз улғу орзусига эришди — ўзининг давлат мустиқиллигини кўлга киритди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон мустиқиллигини эълон қилиб, тарихимизнинг энг мураккаб ва оғир даврларида мамлакатимизни бошқарган Биринчи Президентимиз Ислам Каримовни, унинг раҳбарлигида амалга оширилган улкан ишларни эсга олди.

Истиқлол йилларида юртимизда янги давлат ва жамият қурилди. Замонавий давлатчилик асослари, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари шаклланди. Қадимий тарихимиз, бой маданий меросимиз, миллий-диний қадриятларимиз, ўзлигимиз тикланди. Ватанимиз жаҳон ҳам-жамиятидан муносиб ўрин эгаллади.

Инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, сўз ва виждон эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия қабул қилинди. Кўп йиллардан буюн жиддий муаммо бўлиб келган мажбурий ва болалар меҳнати тўлиқ тугатилди.

3



ВАТАН ФИДОЙИЛАРИНИНГ ҲАЁТИ ВА МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ, ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 31 август кўни пойтахтимиздаги Шаҳидлар хотираси хиёбонига ташриф бўлди.

У ерда жамоатчилик ватанимиз фидойилари, миллий истиқлол йўлида қўрбон бўлган аждодларимиз хотирасини ёд этиш учун йиғилди. Қўрбон тиловат этилиб, ўтганлар ҳақида дуо қилинди. Элға ош тортилди.

Мустиқид тузум даврида юртимиз озодлиги учун курашган 100 мингдан ортиқ ватандошларимиз қатағонга учраган. Уларнинг қанчаси «халқ душмани» деган тўхмат билан шафқатсиз отиб ташланган. Яна қанчаси сургун қилиниб, азоб-уқубатларга дучор этилган. Оилалари пароканда бўлиб, мол-мулкларини тўтиб олин-

ган. Бу мудҳиш жиноятдан муштипар момоларимиз, оналаримиз ҳам омон қолмаган. Минглаб аёллар бева, болалар етим қолган.

Бу нафақат уларнинг авлодлари, балки бутун халқимиз юрагидида оғриқдир. Шу боис орадан шунча вақт ўтса-да, барчамиз ўша мудҳиш даврни изтироб билан эслаймиз.

2001 йилдан буюн 31 август — «Қатағон қўрбонларини ёд этиш кўни» сифатида нишонлаб келинмоқда. Ватан фидойиларининг ҳаёти ва меросини ўрганиш, хотирасини абадийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

3

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИ – БИЗ УЧУН КУЧ–ҚУДРАТ ВА ИЛҲОМ МАНБАИ, ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, кадрли ватандошлар! Муҳтарам меҳмонлар! Хонимлар ва жаноблар!

Бугун юртимизда улуг байрам, катта тантана. Кўпмиллатли Ўзбекистон халқи жонаҳон Ватанимиз истиқлолининг шонли ўттиз йиллик тўйини ээр шоду хуррамлик билан нишонламоқда.

«Янги Ўзбекистон» деб ном олган мана шу муаззам боғда биз бугун биринчи марта Мустақиллик байрамини ўтказмоқдамиз.

Шу муносабат билан сиз, азиятларни, сизларнинг тимсолингибда бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаб, ўзимнинг самимий ва энг эзгу тилакларимни билдираман.

Азиз дўстлар!

Барчамизга аёнки, эл-юртимиз асрлар давомида озод ва эркин ҳаётни, адолатли жамиятни орзу қилиб яшади. Бу муқаддас мақсад йўлида жон олиб, жон бериб курашди, машаққатли синовларни мардона ениб ўтди.

Халқимиз қалбидаги ҳуррият сари эзгу интилишни ҳеч қандай босқин, зулм ва зўравонликлар йўқота олмади. Бунга қўҳна тарихимизнинг ўзи гувоҳ.

1991 йил 31 август куни мамлакатимиз ҳаёти ва тақдирини туб бурилиш ясаган, том маънодаги буюк тарихий воқеа юз берди. Неча юз йиллар давомида келажакка катта умид ва ишонч билан қараб, ҳамisha сабр-матонат билан яшаган халқимиз улуг орзусига эришди – ўзининг давлат мустақиллигини қўлга киритди.

Бугунги кутлуг аёйда барчамиз, бутун халқимиз Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилиб, тарихимизнинг энг мураккаб ва оғир даврларида давлатимизни бошқарган биринчи Президентимиз муҳтарам Ислам Абдужанович Каримов номини, у кишининг бевосита раҳбарлигида, халқимизнинг матонати ва жасорати билан амалга оширилган улкан ишларни эсга олишимиз табиийдир.

Истиқлол йилларида юртимизда янги давлат ва жамият қуриш йўлида муҳим ишлар бажарилди. Қисқа муддатда мамлакатимиз Конституцияси ишлаб чиқилди. Замоначий давлатчилик асослари, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари шаклланди.

Мамлакатимиз мустақиллиги ва суверенитетини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва оқсоийша ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган Қуролли Кучлар барпо этилди.

Миллий валютимиз – сўм жорий қилинди, олтин-валюта захираларимиз шакллантирилди. Қадимий тарихимиз, бой маданий меросимиз, миллий-диний қадриятларимиз, ўзгилгимиз тикланди. Муҳтасар айтганда, кўпни кўрган халқимиз ўзининг мустақам иродаси ва матонати, бекиёс салохиятини намоён этиб, тарихан қисқа фурсат ичида улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Ватанимиз жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади.

Мана шундай буюк тарихий жараёнларда фаол иштирок этиш насиб қилганидан кўпчилик ватандошларни қатори мен ҳам бахтиёрман.

Хурматли тантана қатнашчилари!

Биз бугун халқимиз ва демократик тамойилларга асосланган янги Ўзбекистон давлатини, эркин фуқаролик жамиятини барпо этмоқдамиз. Шу мақсадда аввало бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва барқарорлиқни мустақамлашга энг муҳим вазифа сифатида устувор аҳамият қаратмоқдамиз.

Бугун дунёда ва минтақамизда, чегараларимизда кескинлик, турли таҳдид ва хатарлар қучиб бораётган бир шароитда бу масаланинг қандай бекиёс аҳамиятга эга эканини ҳаммамиз яхши тушунаимиз.

Давлат ва жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий пойдеворини мустақамлаш, мамлакатни модернизация қилиш, бу жараёнда парламент ва сиёсий партияларнинг ролини, жамоатчилик назоратини қучайтиришга қаратилган кенг қўламли демократик ислохотлар жадал амалга оширилмоқда. Демократиянинг асосий талаби бўлган инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, сўз ва виждон эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия қабул қилинди. Кўп йиллардан буён жиддий муаммо бўлиб келган мажбурий ва болалар меҳнати тўлиқ тугатилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фуқаролик масаласи бўйича қақирғига жавобан 2020 йилнинг ўзида 50 мингдан ортиқ юртошимизга Ўзбекистон фуқаролиги берилди.

Маълумки, мустақил ва кучли суд ҳокимияти инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонунчиликни қарор топтиришининг асосий шартидир. Бу йўналишдаги устувор вазифаларга доир 40 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Хозирги вақтда улар асосида жиддий амалий ишлар олиб боришмоқда.

Ана шундай хайрли ишларимизнинг мантикий давоми сифатида мен куни кеча Мустақиллик байрами муносабати билан яна бир муҳим фармонга имзо чекдим. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, озолиқдан мақрум этиш жазосини ўтказган, қилмишга чин қўнгилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган 215 нафар шахс афв этилиб, ўз оиласи ва яқинлари бағрига қайтиш имконига эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси тарихида илк бор Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига сайланди.

Бу эса ушбу йўналишдаги ислохотларимиз халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётганининг аққол тасдиғидир.

Муҳтарам юртодошлар!

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ўтган беш йиллик вақт барчамиз, бутун мамлакатимиз, халқимиз учун кескин синовлар даври бўлди. Айниқса, 2020 йили бошланган коронавирус пандемияси ва шу сабабли келиб чиққан иқтисодий инқироз глобал дунёнинг ажралмас қисми сифатида Ўзбекистон учун ҳам жиддий муаммоларни юзага келтирди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳулосасига кўра, пандемия Иккинчи жаҳон урушидан кейин дунё миқёсида юз берган энг улкан синовдир.

Едингизда бўлса, биз пандемия бошланган илк кунларда бу қийинчиликлардан янада тобланиб, кучли ва қудратли бўлиб чиқишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эдик. Яратганинг инояти, эл-юртимизнинг аҳиллиги ва фидокорона меҳнати билан бу машаққатли синовларни мардона ениб ўтмоқдамиз.

Мамлакатимизда олиб борилаётган жадал ва кенг қўламли ислохотлар юртимизда янги даврни – янги Ўзбекистон даврини бошлаб берди.

Бугун юртимизда тарихан қисқа фурсатда бутунлай янгича сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, илмий-маърифий ва маданий муҳит пайдо бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Халқаро валюта жамғармаси ва нуфузли рейтинг агентликлари таҳлилларига кўра, хозирги қийин ва мураккаб шароитда Ўзбекистон жаҳоннинг санокли мамлакатлари қаторида молиявий-иқтисодий барқарорлиқни таъминлаш, ишлаб чиқариш тармоқларини тиклаш ва иқтисодий фаоллиқни оширишга эришиб келмоқда.

Мана, яқинда Америка Қўшма Штатларининг «J.P.Morgan» инвестиция банки томонидан эълон қилинган «Ўзбекистон: юксалиш йўли» номили таҳлилий ҳисоботда ҳам айнаи шу фикрлар баён этилган.

Шу ўринда иқтисодиётимиздаги таркибий ислохотлар ва асосий макроеқтисодий кўрсаткичлар ҳақида айрим маълумотларни келтириб ўтишни зарур, деб биламан.

2017–2020 йилларда мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиш даражаси 18,3 фоизни ташкил этиб, ялпи ички маҳсулот 60 миллиард долларга етди. Бу ҳақда гапирганда, ташқи савдо айланмаси 2016 йилдаги 24 миллиард доллардан 2020 йилда 36 миллиард долларга қўлайганини таъкидлаш лозим. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 369 триллион сўмни ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 23,4 фоизга ўсди. Натижада саноат маҳсулотларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 19,5 фоиздан 27,4 фоизга кўтарилди.

Иқтисодий соҳани, жумладан, божхона тартибларини либераллаштириш тўғрисида 2020 йилда экспорт ҳажми 15,1 миллиард долларни ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 25 фоизга ўсди.

Ислохотларимиз самарасининг турли халқаро рейтингларда тан олиниши мамлакатимиз учун халқаро молия бозорларига чиқиш имкониятини яратди. Жумладан, жорий йилда 635 миллион долларлик ва 2,5 триллион сўмлик давлат еврооблигациялари, Ипотека банкининг 785 миллиард сўмлик ва «Ўзавтомоторс» акциядорлик жамиятининг 300 миллион долларлик корпоратив облигациялари чет эл инвесторларига сотилди.

Сармоядорларнинг мамлакатимиз иқтисодиётига бўлган ишончини кескин оширишга муваффақ бўлдик. Инвестицияларнинг умумий ҳажми қисқа муддатда 2,1 мартага, шу жумладан, хорижий инвестициялар ҳажми 3 баробарга яқин ўсгани ҳам бунинг исботидир.

Ўтган уч йил мобайнида солиқ соҳасида янги тизим жорий этилди. Солиқлар сони сезиларли даражада қамайтирилди, айланма маблағдан олинадиган солиқлар бекор қилинди. Қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилиб, ушбу солиқ занжирининг яхлит тизими яратилди.

2017–2020 йилларда банкларимиз капиталини 5,7 баробар ёки 5 миллиард долларгача оширишга эришдик.

Электронергетика, нефть-газ, коммунал соҳаларда амалга оширилган таркибий ўзгаришлар натижасида давлат бошқаруви ва ҳўжалик функциялари бир-биридан ажратилди, рақобат муҳитини яратиш учун муҳим қадамлар ташланди.

Айнаи пайтда янги-янги инфратузилма тармоқлари барпо этилди. Минглаб қилometers узунликдаги янги йўللار, электр ва газ тармоқлари қурилди ва таъмирланди.

Жамоат транспорти изчил ривожланмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳрида 2 та янги метро станцияси ҳамда қарийб 12 километрик ер усти метро линияси фойдаланишга топширилди.

«Сергели» йўналиши бўйича 6,2 километрик қурилиш ишлари аяунланди.

Айнаи пайтда Ўзбекистонда қўллаб йирик инвестициявий лойиҳалар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шулар қаторида яқинда Олмалик кон-металлургия комбинатининг қиймати 2 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 3–ми бойитиш фабрикаси қурилишга тамал тоши қўйилганидан барчангиз хабардорсиз.

Куни кеча Навоий вилоятининг Кармана туманида 110 миллион доллар инвестиция ҳисобидан ишга туширилган қуёш электр станцияси Ўзбекистон энергетика тизимида биринчи улкан қадам бўлди.

Айнаи пайтда «Навоийазот» акциядорлик

жамиятида иккита янги завод – азот кислотаси ҳамда аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди. Умумий қиймати 1,5 миллиард доллар бўлган ушбу лойиҳалар эвазига «Навоийазот»да маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 3 баробарга ошди.

Бундай муҳим воқеалар миллий санаяти тарихида янги давр бошланаётганидан далолат беради.

Юртимизда кичик ва хусусий бизнес субъектлари икки баробар кўпайиб, соҳада 1 миллион 400 мингта янги иш ўрни яратилди. Бу корхоналарнинг ярмидан кўпроғи кейинги уч йилда ташкил этилгани алоҳида аҳамиятга эга.

Тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш мақсадида 16 та қонун, 100 дан зиёд қарор қабул қилинди. Ўтган бир йил давомида лицензия ва рухсатномаларни расмийлаштириш тартиби соддалаштирилди ҳамда уларни бериш муддатлари қисқартирилди. Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида барча текширувлар учун мораторий эълон қилинди.

Шунингдек, ўзини ўзи иш билан банд қилган аҳоли учун қўлай шароит яратиш натижасида бир йилда 500 минг нафар фуқаро рўйхатдан ўтиб, фаолиятини қонуний асосда йўлга қўйди.

Тадбиркорлик соҳасидаги мана шундай ёндашув натижасида Жаҳон банкининг «Бизнесни қуришти» халқаро рейтингига Ўзбекистон беш йил ичида 141–ўридан 69–ўринга кўтарилди. Албатта, бу жиддий кўрсаткич, аммо у ҳали бизни қониктирмайди. Шунинг учун биз ушбу йўналишдаги ишларимизни изчил давом эттирамиз.

Хабарингиз бор, яқинда тадбиркорлар билан янги форматдаги учрашув ўтказдик. Унда мамлакатимиз бўйича 10 мингдан зиёд ишбилармонлар қатнашди. Очиқ мулоқотга тайёргарлик доирасида 15 мингдан ортиқ таклиф ва ташаббуслар атрафлича ўрганилиб, тадбиркорлар кўтарган масалалар бўйича амалий чоралар белгиланди.

Биз миллий иқтисодиётимизда ҳақиқий бозор муносабатларини жорий этиш, шу асосда мамлакатимизни тараққий эттириш учун тадбиркорларга бундан буён ҳам барча шароитларни яратиб берамиз. Негиз деганда, тадбиркор – иқтисодиётнинг, ислохотларимизнинг асосий таянчи ва локомотивидир.

Мана шу ҳақиқатни ҳеч қим унутмаслиги керак.

Бугунги кунда замонавий иқтисодиётнинг энг истиқболли соҳаси бўлган ахборот-коммуникация технологиялари мамлакатимизда кенг жорий этилмоқда. Шу мақсадда ўнлаб IT-парклар, кичик саноат зоналари, соҳа учун мутахассислар тайёрлайдиган ўқув масканлари, иқтидорли компьютер дастурчилари учун махсус лойиҳалар ташкил этилмоқда.

Аҳолиимизнинг катта қисми яшайдиган қишлоқ жойларини ривожлантириш ва обод қилиш, аграр соҳанинг самардорлиги ва рақобатдошлигини ошириш, тармоқда янги иш ўринлари яратиш масаласи доимий эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.

Биз қишлоқ ҳўжалигида нархлар шаклланишига давлат аралашувини бекор қилдик, пахта ва ғалла етиштиришда давлат буюртмаси тугатилди. 122 та пахта-тўқимачилик кластери фаолияти йўлга қўйилиб, юқори ҳосил олишга эришилди. Қишлоқ ҳўжалигини молиялаш тизими қайта қўриб чиқилмоқда.

Биз ҳудудларни тармоқлар билан бирга комплекс ривожлантириш бўйича янги тизимни жорий эдик. Бунинг натижасида ҳудудларнинг молиявий имкониятлари кенгайиб, 2021 йилнинг ўзида маҳаллий дастурлар учун қўшимча 3 триллион сўм маблағ шакллантириш имконияти пайдо бўлди.

Бугун ишонч билан айта оламизки, Ўзбекистон учун глобал инқирознинг оғир дамлари ортда қолмоқда.

Иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиш суръатини аҳолининг реал ялпи даромади 2016 йилга нисбатан 28 фоизга ўсганида ҳам қўриш мумкин.

Хозирги кунда номинал ҳисобланган ўртача ойлик иш ҳақи 2,7 миллион сўмни ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 2,1 баробарга оширилди.

Мана, яқинда қабул қилинган Фармонга биноан, мамлакатимизда 1 сентябрдан иш ҳақи, пенсиялар, стипендия ва нафақалар миқдорини яна оширдик.

Биз бундан буён ҳам аҳолиимизнинг даромади ва турмуш даражасини мунтазам яхшилаш боришига жиддий аҳамият қаратамиз.

Юртимизда ижтимоий муаммоларни ҳал этишининг ўзига ҳос янги тизими яратилганидан барчангиз яхши хабардорсиз. «Темир дафтар», «аёллар дафтари», «ёшлар дафтари», «меҳр дафтари», «маҳаллабай» ишлаш усуллари айнан шу мақсадда жорий этилмоқда.

Ислохотлар доирасида қабул қилинган йирик дастурлар жамиятимизда ижтимоий муҳитни яхшилаш ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Биргина «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини оладиган бўлсак, жорий йилнинг ўзида жами 8 мингта яқин қишлоқ ва маҳаллада умумий қиймати 20 триллион сўмлик қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилаётгани, ўйламанки, кўп нарсадан далолат беради.

Бу ишларнинг барчаси «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик» деган эзгу даъват асосида амалга оширилмоқда.

Аҳолини уй-ҳой билан таъминлаш масаласи ҳам биз учун устувор вазифа бўлиб келмоқда.

2017–2020 йиллар давомида 140 мингдан зиёд арзон ва сифатли уй-ҳойлар бунёд этилди. Ушбу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан қарийб 11 баробар ошди. Республикада ипотека тизими изчил ривожланмоқда.

Шуни таъкидлаш зарурки, юртимизда илгари ҳеч қачон бундай катта қўламдаги қурилиш ишлари амалга оширилмаган.

Оғир турмуш шароитида яшаётган оилаларнинг уй-ҳой бўйича бошланғич бадаллари давлат бюджетини ҳисобидан тўлаб берилмоқда. Бу йўналишдаги ишларимиз давом эттирилади, шу йилнинг ўзида ана 50 мингта яқин оила уй-ҳой билан таъминланади.

Қадрли дўстлар!

Давлат ва жамият тараққиёти, халқ фаровонлигини таъминлашда соғлиқни сақлаш, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат, спорт соҳалари халқлиқчи ўрин тутишини ҳаммамиз яхши тушунаимиз.

Бугунги кунда юртимизда тиббиёт соҳаси, унинг фаолият мазмунини тубдан ўзгармоқда, десак, аниқлашган бўламиз. Аввало, бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишининг сифати ва самарадорлиги, соғлом турмуш тарзи янги босқичга кўтарилди. Кўп тармоқли поликлиника ва касалхоналарнинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳияти мустақамланмоқда.

Тез тиббий ёрдам тизими замон талаблари асосида қайта ташкил этилиб, молиявий таъминоти қучайтирилди.

2016 йилда мавжуд бўлган 800 та «Тез ёрдам» шохобчасининг сони бугунга келиб 1 минг 666 тага етказилди. Тез тиббий ёрдам бригадалари сони эса 1 минг 648 тадан 2 минг 685 тага қўлайтирилди.

Маълумки, илгари қўллаб юрдошларимиз мураккаб тиббий операцияларни ўтказиш учун чет элларга боришга мажбур эди. Кейинги йилларда тиббиёт соҳасини ривожлантиришга оид ислохотлар натижасида бундай амалиётлар энди ўзимизда ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Республикада аҳолисида иктисошлашган тиббий ёрдам кўрсатаётган марказлар сони 2016 йилда 10 тани, уларнинг ҳудудий филиаллари эса аттиги 2 тани ташкил этарди. Бугунги кунда бундай марказларнинг сони 20 тага етказилди, жойларда эса 124 та филиал фаолияти йўлга қўйилди. Бу ишни давом эттириб, жорий йилда яна қўшимча 48 та ҳудудий филиал ташкил этилади.

Ҳаммангиз қўриб турибсиз, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларни ўз вақтида бошлаб, тўғри йўл танлаганимиз учун қутилмаган пандемия қаршиида саросимга тушиб қолмадик. Халқимизнинг соғлиғи ва ҳаётини асраш мақсадида зудлик билан барча тадбирларни ишлаб чиқдик. Жумладан, коронавирустга қарши курашиш учун махсус тиббий марказлар ташкил этилди. Дори-дармон ва ҳимоя воситаларининг захираси шакллантирилди.

Ҳудудларда ишга туширилган 60 та кислород станцияси тегишли шифохоналарни кислород билан узлуksиз таъминлашга хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда вакцина ишлаб чиқариш бўйича амалий ишлар бошланди.

2021 йил учун давлат бюджетида 3 триллион сўм захира шакллантирилиб, аҳоли соғлиғини сақлаш ва коронавирустга қарши эмлаш чораларини кўряпмиз.

Халқимизни тезкор ва самарадор, сифатли тиббий ёрдам билан таъминлашга қаратилган ислохотлар изчил давом эттирилади.

Азиз ватандошлар!

Атоқли маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамат, ё наҳот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир», деган ҳикматли сўзларини мен қайта-қайта такрорлашдан чарчамайман.

Кейинги йилларда масалга мана шундай ёндашув бизнинг ушбу соҳадаги фаолиятимиз мезонига айланди. Чиндан ҳам, агар биз таълимни ўзгартирсак, таълим инсонни ўзгартиради. Инсон ўзгарса – бутун жамиятимиз ўзгаради.

Шу боис биз узлуksиз таълимни такомиллаштириш, фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, юқори маънавий педагог кадрлар тайёрлашни тубдан яхшилашга алоҳида аҳамият қаратмоқдамиз.

Таълим-тарбиянинг бошланғич бўғини бўлган мактабга таълим тизимидаги ўзгаришлардан беришга қодир жондорсиз. Соҳада ягона давлат сиёсатини юритиш мақсадида Мактабга таълим вазирлигини ташкил эдик.

2017 йили юртимизда 5 минг 211 та боғча фаолият юритган бўлса, жорий йилда бу рақам – таъсавур қилинг – 19 минг 316 тага етди. Давлат-хусусий шериклик механизмлари ҳамда оилавий боғчаларнинг жорий этилиши, бир қатор имтиёзлар берилиши тўғрисида 13 мингдан зиёд нодавлат мактабга таълим ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу ислохотлар натижасида биз мактабга таълимга қамров даражасини 62 фоизга, 6 ёшдаги болалар ўртасида эса 77 фоизга етказишга эришдик.

Янги турдаги таълим масканлари, хусусан, Президент мактаблари, ижод мактаблари, ихтисошланган мактаблар фаолияти йўлга қўйилмоқда. Биргина 2020 йилни оладиган бўлсак, юртимизда математика фани бўйича 56 та, кимё-биология фани бўйича 28 та, информатика ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича 14 та ана шундай мактаблар ташкил этилди.

Таълим соҳасида янгича ёндашувлар фаол жорий этилмоқда. Ўзингиз айтинг, бундан тўрт-беш

йил олдин республикада хусусий мактаб ёки боғча бўлишини тасаввур қилиш мумкинмиди?

Биз бу соҳада жаҳон тажрибасини ўрганиб, янги тартиб-қоидаларни, замонавий таълим усулларини жорий этмоқдамиз. Жумладан, хусусий мактаб очиш учун лицензия олиш тартиби соддалаштирилди. Нодавлат таълим масканлари давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланаётгани тўғрисида ҳозирги вақтда уларнинг сони 195 тага етди.

Буларнинг барчаси ўз ижобий натижасини бермоқда. Бунинг 2017–2020 йилларда ўқувчиларимиз нуфузли халқаро фан олимпиадаларида 30 та медални қўлга киритгани мисолида ҳам аққол қўриш мумкин.

Ёшларни талаб юқори бўлган замонавий касб-ҳунарларга ўргатиш учун ўтган ўқув йилида 339 та касб-ҳунар мактаби, 194 та коллеж ва 195 та техникум фаолияти йўлга қўйилди.

Бугунги к

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИ – БИЗ УЧУН КУЧ–ҚУДРАТ ВА ИЛҲОМ МАНБАИ, ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

42

Мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш мақсадида давлат, жамият ва шахс ҳавфсизлигини таъминлаш тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда. Бунинг учун энг қуёи тизим – профилатика инспекторлари тизими замонавий тузилма сифатида шакллантирилди. Улар эндиликда маҳалла идоралари билан яқин ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда.

Бугунги кунда 2017 йилга нисбатан жиноятлар сони 12 мингга камайган, жорий йилнинг олти ойи якунига кўра эса, мавжуд 9 минг 251 та маҳалладан қарийб 50 фоизда биронта ҳам жиноятга йўл қўйилмаганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу албатта ислохотларимизнинг ижобий самарасидан далолат беради ва бу ишларимизни изчил давом эттиришни тақозо этади.

Қадрили тантана иштирокчилари!

Мамлакатимиз янгиланган даврга қадам қўйган биринчи кунлардан бошлаб биз очик, прагматик ва амалий ташқи сиёсат юритиб келаётганимиз сизларга яхши маълум.

Ўтган қисқа даврда Ватанимизнинг минтақа ва жаҳон миқёсидаги сиёсий ўрни ва нуфузи кескин ошди. Дунёда Ўзбекистонга нисбатан ишонч руҳи ва ҳамкорликка интилиш тамойиллари кучайди.

Аввало, минтақамиздаги давлатлар билан дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари йўлга қўйилди. Чегаралар очилди, одамлар қавму қариндошлари билан алоқаларини тиклаб, бир мамлакатдан иккинчи давлатга эмин-эркин бориб кела бошлади.

Жаҳон сиёсатшунослигида «Марказий Осиё руҳи» деган ибора пайдо бўлди. Халқаро майдонда минтақа номидан янги ташаббуслар илгари сурила бошланди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мунтазам учрашувларини ўтказиш яхши анъанасига айланди. Яқинда Туркменистонда бўлиб ўтган

навбатдаги маслаҳат кенгашида ҳамкорликнинг янги, истиқболли йўналишлари белгилаб олинди.

Сўнги кунларда ён қўшнимиз Афғонистонда юз бераётган воқеаларни ҳаммамиз ташвиш билан кузатиб турибмиз. Биз бу мамлакатда тезроқ тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши тарафдоримиз.

Афғонистон Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ўртасида ўзаро боғлиқликни мустақамлашда кўприк вазифасини бажара олишига ишонимиз.

Афғонистон билан алоқаларимизда дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ички ишларга аралашмаслик тамойилларига содиқ қоламиз.

Ушбу мамлакатда ҳокимият транзити халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёрларини инобатга олган ҳолда, миллий келишув асосида тинч йўл билан амалга оширилиши ўта муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Ўтган даврда Россия, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Туркия, Бирлашган Араб Амириклари ва бошқа мамлакатлар билан самарали битим ва келишувларга эришдик. Америка Қўшма Штатлари ва Фарб давлатлари билан прагматик ҳамкорлик сари янги қадамлар ташланди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислам ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги каби халқаро тузилмалар билан алоқалар сифат жиҳатидан янги босқичда давом эттирилмоқда. 2019 йилда Туркий тили давлатлар ҳамкорлик кенгашига тўла ҳуқуқли аъзо бўлди. Бу мамлакатимиз учун халқаро майдонда янги иқтисодий, сиёсий ва маданий имкониятлар очиб берди.

Ўзбекистон Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан кузатувчи давлат мақомида қисқа даврда самарали алоқаларини йўлга қўйишга эришди. 2020 йилда мамлакатимиз илк бор Мустақил Давлат-

лар Ҳамдўстлигида раислик қилди. Бу давр пандемия шариоатида ўтганига қарамадан, Ўзбекистоннинг бу борадаги фаолияти муваффақиятли ташкил этилди ва юқори баҳоланди.

Бу йил Шанхай ҳамкорлик ташкилоти раислигини қабул қилиб оламиз ва унинг келгуси йили ўтадиган Саммитига пухта тайёргарлик кўраямиз.

Иқтисодий дипломатия воситаларидан самарали фойдаланиш республика экспорти ва инвестициялар оқимига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Чет эллардаги ватандошларимизни қўллаб-қувватлашга, улар билан самарали ҳамкорлик қилишга катта эътибор берилмоқда. Улар республикаимиздаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларга жалб қилинмоқда. Яқинда ана шундай муҳим вазифалар билан бевосита шуғулланадиган «Ватандошлар» жамоат фондиди ташкил этганимиздан барчангиз хабардорсиз.

Айни пайтда узоқ-яқиндаги барча тараққийпарвар мамлакатлар билан ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустақамлаш бизнинг устувор мақсадимиз бўлиб қолади.

Бугунги кувончли кунда биз билан даврамизда ўтирган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларига, халқаро ташкилотлар вакиллари, чет эллик шерикларимизга, Ўзбекистоннинг барча дўстларига тинчлик ва равнақ тилаймиз. Хусусан, тантанамизда иштирок этаётган Франция Сенатининг ҳурмати вакилларига чуқур эҳтиромимизни билдираимиз.

Ҳурматли юртдошлар!

Ҳаммангизга яхши маълумки, шу йил 24 октябрь кунини мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади.

Сўнгги беш йил мобайнида мамлакатимиз миллий сайлов қонунчилигида жиддий ўзгаришлар юз берди. Нуфузли халқаро экспертлар таъкидлаганидек, янги Ўзбекистонда сайлов қонун-

чилигини изчил такомиллаштириш ҳамда сайловларни ўтказиш амалиёти сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилди.

Бу галги Президент сайловлари илк бор 2019 йилнинг 25 июнида қабул қилинган Сайлов кодекси асосида бўлиб ўтади.

Бу сайлов барчамиз учун Ўзбекистоннинг келгуси тараққиёти қандай йўлдан боради, фарзандларимиз, оиламиз, мамлакатимиз келажагини қандай барпо этамиз, деган ҳал қилувчи саволларга жавоб берадиган ғоят муҳим сиёсий тадбирдир. Шунинг учун ушбу сиёсий жараёнга қўпмиллатли халқимиз ҳам, жаҳон ҳамжамияти ҳам катта қизиқиш ва эътибор билан қарамоқда.

Сайловда дунёнинг 50 га яқин мамлакатлари ҳамда ўнлаб халқаро ташкилотлардан кузатувчилар иштирок этиши кутилмоқда.

Шу маънода, бўлгуси сайловлар юксак демократик мезонлар асосида ўтади ҳамда янги Ўзбекистон халқининг ўсиб бораётган сиёсий тафаккурини, ижтимоий фаоллиги ва маданий савиясини яққол намоян этади, деб ишонаман.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Биз кейинги йилларда белимизни маҳкам боғлаб, миллий маффаатларимизни таъминлаш, халқимизни рози қилиш йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб, ғоят муҳим натижаларни қўлга киритмоқдамиз.

Энг асосий натижа – бошлаган ислохотларимиз ортага қайтмайдиган муқаррар тус олганида, бугунги жамиятимизнинг маънавий уйғонишида намоян бўлмоқда.

Маънавий уйғоқ жамиятни, ўз олдига улкан вазифалар қўйиб, келажақ сари ишонч билан бораётган халқни ҳеч ким ўз йўлидан тўхта олмайди. Бундай халқни Яратганнинг ҳам қўллаб-қувватлайди, доимо йўлини очиб беради.

Бугун миллион-миллион ватандошларимизнинг онгу тафаккури ўзгариб, улар ислохотлар

жараёнига ўзини бевосита дахлдор деб билмоқда, бу ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айланимоқда.

Бугун биз ягона халқ, ягона миллат бўлиб, кўзлаган юксак мақсадларимиз сари дадил бормоқдамиз. Вужудимизда, қонимизда аждоқларимиздан мерос буюк қудрат жўш ураётган экан, биз эзгу орзу ва мақсадимиз бўлмиш янги Ўзбекистонни албатта бунёд этамиз. Ўзбекистон ҳар томонлама обод ва фаровон, эркин демократик мамлакатга айланади.

Мен сиз, азизларни, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча юртдошларимизни ана шундай улғ ва шарафли сафда – янги Ўзбекистон бунёдкорлари сафида кўриб турганимдан бахтиёрман.

Орадан ҳали қанча йиллар, асрлар ўтади. Юртимизда янги-янги авлодлар дунёга келади. Миллий давлатчилигимизни тиклаб, бизга тараққиёт ва фаровонликка эришиш йўлида мана шундай бекиёс имкониятларни яратиб берган истиқлолимиз жонажон Ватанимизнинг шонли тарихида ҳамиша энг ёрқин, ўнмас саҳифа бўлиб қолади.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз қадрдонларимни, мўтабар нурунийларимиз, меҳрибон опа-сингилларимиз, азму шижоатли ёшларимизни, бутун халқимизни Мустақиллик байрами билан яна бир бор чин қалбимдан самимий табриклайман.

Мана шу муборак айёмда барча ютуқларимизнинг бунёдкори бўлган меҳнаткаш, мард ва саховатли, бағрикенг ва олижаноб халқимизга фарзандлик меҳри билан таъзим қиламан.

Барчамизни оқ ювиб, оқ тараб воёга етказган она халқимиз доимо омон бўлсин!

Юртимизда яшаётган ҳар бир оила, ҳар бир инсон эзгу мақсадларига етсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!
Этиборингиз учун раҳмат.

ВАТАН ФИДОЙИЛАРИНИНГ ҲАЁТИ ВА МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ, ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

41

Бу йил Шаҳидлар хотираси хиёбонида бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи биноси реконструкция қилинди. Давлатимиз раҳбари ушбу музейини кириб кўрди. У ерда яратилган шароитлар, тарихий ҳужжатлар билан танишди.

Кўриниб турибдики, катта салоҳиятга эга етакчилар, олимлар, адиблар, шифокорлар, ўқитувчилар қатагон қилинган. Улар халқимизнинг энг сара вакиллари эди. Мустабид тузумга миллат кўзини очадиган, унга ўзгичани танитадиган зиёли инсонлар керак эмас эди. Уларнинг айби – буюк бўлгани, – деди Шавкат Мирзиёев.

Афсуски, шу пайтгача қатагон қурбонларининг тўлиқ рўйхати шакллантирилмаган эди. 2020 йил 8 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қатагон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойиши қабул қилинди.

Тарихчи олимлар жалб этилиб, зулм қурбони бўлган барча инсонларни аниқлаш ва номларини тиклаш бўйича катта ишлар бошланди. Чет эллардаги архив ва музейлар, кутубхона ва фондлар билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилиб, илмий экспедициялар ташкил этилмоқда. Ички ишлар вазирлиги, Давлат ҳавфсизлик хизмати, Фанлар академияси ва бошқа ташкилотларнинг архивларидан янги-янги маълумотлар топиломоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда қатагон қурбонларига бағишланган музейлар ташкил этилди. Уларда расмий материаллар билан бирга оилавий архивларда сақланган қолган кўплаб тарихий ҳужжатлар, ноб суратлар тўпланмоқда. Қатагон қурбонларининг номлари, уларнинг ҳаёти ва фаолияти вилоятлар, туманлар кесимида аниқланмоқда. Бу маълумотлар асосида кўп жиллик «Қатагон қурбонлари» китоби нашрга тайёрланапти.

Президентимиз бундай катта илмий асарлар билан бирга мактаб ўқувчилари учун содда тилда, кичик-кичик китоблар чиқариш зарурлигини таъкидлади. Бунинг учун Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга Тарих институтининг илмий ходимларини йиблатириб, ҳар бир ҳудуддаги жадид боболаримиз, қатагон қурбонлари номи тиклаб бориш бўйича кўрсатма берилди.

Ў.А.

ОЗОД ВА ҲҲР ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУЮК БАЙРАМИ

41

Ўзбекистон Республикаси тарихида илк бор Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига сайланди. Бу эса ушбу йўналишдаги ислохотларимиз халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётганининг яққол тасдиғидир.

Охириги беш йил кескин синовлар даври бўлди. Айниқса, 2020 йили бошланган коронавирус пандемияси ва шу сабабли келиб чиққан иқтисодий инқироз глобал дунёнинг ажралмас қисми сифатида Ўзбекистон учун ҳам жиддий муаммоларни юзга келтирди.

– Яратганимиз иноти, эл-юртимизнинг аҳиллиги ва фидокорона меҳнати билан бу машаққатли синовларни мардона энгиб ўтмоқдамиз. Мамлакатимизда олиб борилаётган жадал ва кенг қўламли ислохотлар юртимизда янги даврни – янги Ўзбекистон даврини бошлаб берди, – дея таъкидлади Президент.

Бу асосий иқтисодий кўрсаткичларда ҳам намоян. Хусусан, 2017–2020 йилларда мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиш даражаси 18,3 фоизни ташкил этиб, ялпи ички маҳсулот 60 миллиард долларга етди. Ташқи савдо айланмаси 2016 йилдаги 24 миллиард доллардан 2020 йилда 36 миллиард долларга кўпайди.

Ишбилармон доираларининг мамлакатимизга ишончи ортди. Инвестицияларнинг умумий ҳажми қисқа муддатда 2,1 мартага, шу жумладан, хорижий инвестициялар ҳажми 3 баробарга яқин ўсди.

Жойларда йирик заводлар, кичик саноат зоналари, инфратузилма иншоотлари, IT-парклар ишга туширилди. Саноат ва қишлоқ ҳўжалигида кластер тизими йўлга қўйилди. Тадбиркорлик ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани аҳолини иш билан таъминлашда муҳим омон бўлмоқда.

– Бугун ишонч билан айта оламизки, Ўзбекистон учун глобал инқирознинг оғир дамлари ортада қолмоқда, – деди давлат раҳбари.

Иқтисодий ривожини аҳолининг реал ялпи дарамади 2016 йилга нисбатан 28 фоизга ўсганида ҳам кўриш мумкин. Ислохотлар доирасида қабул қилинган йирик дастурлар аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари натижасида кўплаб қишлоқ ва маҳаллалар қиёфаси тубдан янгиланди. 2017–2020 йиллар давомида 140 мингдан зиёд арзон ва сифатли уй-жойлар бунёд этилди. Ушбу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан қарийб 11 бараварга кўп.

Ижтимоий соҳаларда амалга оширилган ишлар ҳам қайд этилди. Бирламчи ва шошилч тиббий ёр-



дам тизими сифат жиҳатидан ўзгарди. Иختисослашган тиббий марказлар, кўпга клиникалар барпо этилди. Ўз вақтида қўрилган чоралар туфайли коронавирус пандемиясига қарши самарали курашилди.

Таълим соҳасидаги натижаларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Аввало, мактабга таълимга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борадаги қамров даражаси 62 фоизга етди.

Янги турдаги таълим масканлари, хусусан, Президент, ижод ва иختисослашган мактаблар фаолияти йўлга қўйилмоқда. Биргина жорий йилда математика фани бўйича 56 та, кимё-биология фанлари бўйича 28 та, информатика ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича 14 та ана шундай мактаблар ташкил этилди.

Сўнгги беш йилда 64 та янги олий таълим муассаси ташкил этилиб, уларнинг сони 141 тага етказилди. Қабул квотаси 3 баробар оширилди. Эндиликда битирувчи ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 2016 йилги 9 фоиздан 28 фоизга етказилди. Бундан ташқари, ёшлар талаб юқори бўлган замонавий касб-ҳунарларга ўргатилмоқда.

Тинчлик-осойишталикни мустақамлаш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги ишларнинг аҳамияти қайд этиб ўтилди.

Охириги йиллардаги очик ва прагматик ташқи сиёсат туфайли мамлакатимизнинг минтақа ва жаҳон миқёсидаги нуфузи ошди. Дунёда Ўзбекистонга нисбатан ишонч руҳи ва ҳамкорликка интилиш тамойиллари кучайди.

Минтақамизда дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари йўлга қўйилгани натижасида жаҳон сиё-

сатшунослигида «Марказий Осиё руҳи» деган ибора пайдо бўлди.

Сўнгги кунларда Афғонистонда юз бераётган воқеаларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ушбу мамлакатда тезроқ тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши тарафдори эканини, ҳокимият транзити халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёрларини инобатга олган ҳолда, миллий келишув асосида тинч йўл билан амалга оширилиши муҳимлигини таъкидлади.

Президентимиз байрам тадбирида қатнашган хорижий давлатлар элчилари, халқаро ташкилотлар вакиллари ва чет эллик шерикларни ҳам кутлаб, эзгу тилакларини билдирди.

Мамлакатимиздаги ислохотлар муқаррар тус олгани, халқимиз уларни қўллаб-қувватлаб, фаол иштирокчисига айлангани таъкидланди.

– Орадан ҳали қанча йиллар, асрлар ўтади. Юртимизда янги-янги авлодлар дунёга келади. Миллий давлатчилигимизни тиклаб, бизга тараққиёт ва фаровонликка эришиш йўлида мана шундай бекиёс имкониятларни яратиб берган истиқлолимиз жонажон Ватанимизнинг шонли тарихида ҳамиша энг ёрқин, ўнмас саҳифа бўлиб қолади, – дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Байрам шодийнаси катта концерт дастури билан якунланди.

Энг улғ, энг азиз байрам – Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиги тантаналари барча ҳудудларда давом этмоқда.

Ў.А.

«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН» БОҒИ ВА МУСТАҚИЛЛИК МОНУМЕНТИ ОЧИЛДИ

41

– Ўтмишдаги ютуқ ва ғалабаларидан куч-қувват олиб, хато ва мағлубиятларидан хулоса ва сабоқ чиқариб яшайдиган халқ ўзининг тараққиёт йўли ва келажагини тўғри белгилай олади. Шу сабабли, биз ушбу ёдгорлик тимсолида Ўзбекистонимизнинг қадимий тарихидан бошлаб то бугунги кунга қадар юз берган энг муҳим воқеаларни муҳрлашга қарор қилдик, – деди Президентимиз.

Мажмуада буюк саркарда ва жаҳонгирлар, аллома ва мутафаккирлар, жадид боболаримизнинг ўлмас сиймолари акс эттирилган. Ўзбекистоннинг собиқ мустабид тузум давридаги оғир ва ма-

шаққатли ҳаёти, қатагон сиёсати, халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган жасорат ва матонат таъсирчан лавҳаларда ифодаланган.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуганиевич Каримов раҳбарлигида халқимизнинг миллий мустақилликка эришиш йўлини акс эттиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Ёдгорлик юртимизда янги Ўзбекистонни – учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ғояси билан уйғун ҳолда барпо қилингани айниқса аҳамиятлидир. Унда миллий давлатчилигимизнинг рамзи бўлган Соҳибқирон Амир Темури сал-

рафига бунёд этилган буюк обида сифатида қад ростлади. Монумент пойга битилган: «Халқимиз тарихида эзгу из қолдирган барча аждоқларимиз доимо қалбимизда», деган чуқур маъноли сўзлар ота-боболаримиз хотирасига бугунги авлодларнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромини англатади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Маросимда нурунийлар, фан ва маданият намояндалари сўзга чиқиб, барчани ушбу воқеа билан табриклади.

Президент Шавкат Мирзиёев жамоатчилик вакиллари билан бирга Мустақиллик монументини очди. Мажмуа пойга гуллар қўйилди.

Ў.А.



Андижон вилояти

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгашида «Касаба уюшмалари лауреати», «Энг намунали аёл иш берувчи», «Энг яхши маҳалла раиси» ҳамда «Энг яхши сектор раҳбари» танловлари бўлиб ўтди.

Унда балиқчилик Эъзожа Кўчқорова «Касаба уюшмалари лауреати» танловининг вилоят босқичида

Меҳнат — роҳатнинг пойдевори

1-ўринга муносиб кўрилди. «Урганжи» маҳалласи етакчиси Нафосат Маҳмадовага «Энг яхши маҳалла раиси» мақоми берилди. Марҳамат туманидаги «АС текстил» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Наргиза Болтабоева «Энг намунали аёл иш берувчи» танлов ғолиби бўлди. Марҳамат тумани ҳокими Бобирбек Юлдашев эса «Энг яхши сектор раҳбари» сифатида тилга тушди. Шунингдек, Асака туманидаги «Шодлик» маҳалла

фуқаролар йиғини «Аёллар маслаҳат кенгаши»нинг ҳар бир аъзосига 4 миллион 545 минг сўмдан пул мукофоти берилди ҳамда Федерация вилоят кенгашининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Қўрғонтепа туманидаги «Хонқўча» маҳалла фуқаролар йиғини «Аёллар маслаҳат кенгаши» аъзолари ҳам 3 миллион 330 минг сўмдан пул мукофоти билан тақдирланди.

Нурилло НЎМОНОВ,
«ISHONCH»



Тошкент вилояти

Фидойилик рағбати

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан «Аёллар дафтари» тизими бўйича кенг қамровли ишлар олиб боришда.

Федерациянинг Тошкент вилояти кенгашида мазкур хайрли ишларда фидокорона меҳнатлари билан барчага ўрناк бўлаётган, аёлларнинг муаммо ва муносабатлари ҳал этилишига салмоқли ҳисса қўшаётган масъул ходимлар меҳнатини қадрлаш ва муносиб баҳо бериш мақсадида ташкил этилган «Энг яхши маҳалла раиси», «Энг яхши сектор раҳбари», «Энг намунали аёл иш берувчи», «Касаба уюшмалари Федерацияси лауреати» каби танловларнинг ҳудудий босқичларида иккинчи ва учинчи ўринларни қўлга киритганлар пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Шунингдек, хотин-қизларнинг дарду ташвишлари, муаммоларини бартараф этишда жонбозлик кўрсатётган «Аёллар маслаҳат кенгаши» 50 миллион сўмдан рағбатлантирилди.

Нормурод МУСОМОВ,
«ISHONCH»

Ғулломжон МИРАҲМЕДОВ,
«ISHONCH»



Қорақалпоғистон Республикаси

Самарали фаолият баҳоси

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича «Энг яхши сектор раҳбари», «Энг яхши маҳалла раиси», «Касаба уюшмалари Федерацияси лауреати», «Энг намунали аёл иш берувчи» танловларининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи якунларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаганларга пул мукофотлари топширилди.



Шунингдек, «Аёллар дафтари»га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишга қўмаклашиш, оилаларни мустаҳкамлаш ва уларнинг фарзанд тарбиясида ролини ҳамда ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган маслаҳатлар бериш, «Одобли қиз», «Ифбатли келин» ва «Маърифатли аёл» ғояларини кенг тарғиб этишда самарали фаолият юритаётган Эллиққалъа тумани «Ақчақўл» МФЙ ва Хўжайли тумани «Жонқўнғирот» МФЙ «Аёллар маслаҳат кенгаши»нинг ҳар бирига 50 млн. сўмдан пул мукофотлари берилди.

Тантанали тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Мурат Камалов ва Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон Кенгаши раиси Улуғбек Жалменов сўзга чиқиб, ғолибларни ушбу мукофотлар билан қутлашди.

Есимхон ҚАНОАТОВ,
«ISHONCH»



Навоий вилояти

Шижоат бахш этган танлов

Навоий шахрида бўлиб ўтган танлов ғолибларини тақдирлаш маросимида Навоий вилояти ҳокими Қобилжон Тўрсунов, масъуллар ҳамда фаоллар иштирок этди.

Унда «Энг яхши сектор раҳбари» номинацияси бўйича биринчи ўрин Қонимех тумани ҳокими Муротхон Эгамқулов, иккинчи ўрин Навоий шахар прокурори Худойберди Норқобилов, учинчи ўрин Учқудуқ тумани ҳокими Соли Ҳамроевага насиб этди.

Қизилтепа тумани «Ванғози хумо текстиль» МЧЖ раҳбари Шахноза Саматова «Энг намунали аёл иш берувчи» танловининг ғолиби деб топилди. Кармана туманидаги «Tigamisu» оилавий корхонаси бошлиғи Маъсуда Ёрмухаммедова ҳамда Хатирчи тумани «Асл ипак гиламлари» МЧЖ раҳбари Мунира Ҳамроевалар иккинчи ва учинчи ўрин

ларга муносиб топилди.

«Касаба уюшма лауреати» танловида Навоий шахридаги «Дурдон жаҳоирлари» оилавий корхонаси раҳбари Гавҳар Эгамова биринчи, Нурота туманидаги «Тўлаева Холида Илёснова» оилавий корхонаси раҳбари Холида Тўлаева иккинчи, Хатирчи туманидаги яқка тартибдаги тадбиркор Муниса Имомова учинчи ўринга муносиб кўрилди.

«Энг яхши маҳалла раиси» танловида биринчи ва иккинчи ва учинчи ўринларни Навбаҳор тумани «Пахтакор» МФЙ раиси Лазиз Жамиллов, Зарафшон шахар «Янги Зарафшон» МФЙ раҳбари Камола Халилова, Томди тумани «Томди



булоқ» МФЙ етакчиси Нурсулв Каренеевалар ўзаро бўлиб олишди. Кармана тумани «Дўрмон» ҳамда Хатирчи туманидаги «Миёнок» маҳалла фуқаролар йиғинлари негизда ташкил қилинган Аёллар маслаҳат кенгашининг фаолияти махсус комиссия томонидан юқори баҳоланди ва улар вилоятдаги энг намунали кенгашлар, дея эътироф этилди.

Нормурод МУСОМОВ,
«ISHONCH»

Ғулломжон МИРАҲМЕДОВ,
«ISHONCH»



Жиззах вилояти



Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссияси томонидан ўтказилаётган «Касаба уюшмалари Федерацияси лауреати», «Энг намунали аёл иш берувчи», «Энг яхши маҳалла раиси» ҳамда «Энг яхши сектор раҳбари» танловларининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда танловларнинг ҳудудий босқичида иккинчи ва учинчи ўринларни қўлга киритганлар пул мукофотлари билан тақдирланди. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишга қўмаклашиш, оилаларни мустаҳкамлаш ва уларнинг фарзанд тарбиясидаги роли ва ижтимоий фаоллигини оширишдаги хизматлари учун Жиззах шаҳридаги «Олмазор» маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда Зарбдор туманидаги «Мустақиллик» маҳалла фуқаролар йиғини «Аёллар маслаҳат кенгаши» ғолиби деб топилди, ҳар бир кенгашга диплом ва 50 миллион сўмдан пул мукофоти берилди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
«ISHONCH»

Самарқандда ҳам «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилган «Энг яхши сектор раҳбари», «Энг яхши маҳалла раиси», «Энг намунали аёл иш берувчи» танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирланди.

Танловда Иштихон тумани ҳокими Шухрат Негматов «Энг яхши сектор раҳбари» номинациясининг иккинчи ўрин соҳиби деб топилди, ўн миллион сўм, Каттақўрғон тумани «Жумабой» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фарҳод Қаршиев «Энг яхши маҳалла фуқаролар йиғини раиси», Самарқанд



Самарқанд вилояти

туманидаги «Саломат она» оилавий корхонаси раҳбари Саломат Воҳидова «Энг намунали аёл иш берувчи» номинацияларида иккинчи ўринларни қўлга киритиб, беш миллион сўмдан пул мукофотларига эга чиқди. Ушбу йўналишларда учинчи ўрин соҳибларига ҳам мукофотлар топширилди.

Тақдирлаш маросимида Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари Жамшед Ўроқов, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши раиси Сухроб Рафиқов иштирок этди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»

Муносиблар тақдирланди

Эътирофга лойиқ кўрилганлар

«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этишда, улар билан иш олиб боришда барча қатори бўҳоралик масъуллар ҳам фидойиларча меҳнат қилишпти.

Борада барчага намуна кўрсатган бир гуруҳ мутасаддиларни муносиб рағбатлантириш мақсадида «Энг яхши сектор раҳбари», «Энг намунали аёл иш берувчи», «Касаба уюшмалари Федерацияси лауреати» ҳамда «Энг яхши маҳалла раиси» танловларининг Бухоро вилояти босқичи совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Унда кўрик-танловлар вилоят босқичининг ўн икки нафар совриндорига диплом ва пул мукофотлари топширилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Ижроия қўмитасининг шу йил 24 августдаги тегишли қарорига кўра, Ёғдўвон туманидаги «Армечан» ҳамда Олот туманидаги «Жайхунобод» маҳаллаларининг «Аёллар маслаҳат кенгаши»га 50 миллион сўмдан пул мукофотлари берилди.

«Касаба уюшмаси Федерацияси лауреати» танловида иккинчи ўринга лойиқ деб топилдим, — дейди қонғонлик яқка тартибдаги тадбиркор Шафика Едикханова. — «Аёллар дафтари» доирасида олиб

бораётган озми-кўпми ишларимиз эътироф этилганидан хурсандман. Давлатимиз томонидан бизга билдирилаётган бундай ишонч, қолаверса, Касаба уюшмалари Федерацияси билан изчил ҳамкорлигимиз фаолиятимиз равишда бундан кейин ҳам таъминлайверади.

Рустам ИБРОҲИМОВ,
«ISHONCH»



Бухоро вилояти

Аёлларини ардоқлаган юрт

Қарши шахрида «Энг яхши сектор раҳбари», «Энг намунали аёл иш берувчи», «Энг яхши маҳалла раиси», «Касаба уюшмалари Федерацияси лауреати» кўрик-танловларининг вилоят босқичида иккинчи ва учинчи ўрин соҳибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.



Қашқадарё вилояти

Тадбирни Қашқадарё вилояти ҳокими Зоир Мирзаев кириш сўзи билан очиб, кўрик-танлов ғолибларини қутлади. Уларга диплом ва пул мукофотлари топширилди.

— Жорий йилнинг май ойида Ғузор тумани «Файзобод» маҳалласи «Нурафшон» қишлоғида 29-мактабга таълим ташкилоти иш бошлагани, — дейди «Энг намунали аёл иш берувчи» номинацияси 3-ўрин соҳибаси Дилдора Аҳмедова. — Янги таълим-тарбия масканида 14 нафар «Аёллар дафтари»га кирган хотин-қиз ишли бўлди. Яна тўрт нафар «Темир дафтар»га, бир нафар «Ешлар дафтари»га кирган ишсиз фуқаро доимий иш билан таъминланди.

Ташкилотимиз 120 ўринга мўлжалланган бўлиб, ҳозирда 150 нафар ўғил-қиз қамраб олинган. Ийгирига йилдан буён фаолияти тўхтаб қолган таълим муассасасининг янгидан иш бошлаши қишлоғимиз, қўшни Меҳнатобод, Чўгиртма, Гулистон қишлоқлари аҳолиси учун жуда қувончли ҳодиса бўлди. Кўплаб ишсиз аёлларимиз ишли бўлди, болажонларни мактабга сифатли тайёрлаш имкони туғилди. Бугунги мукофот ўз устимда янада ишлашимга катта туртки бўлди.

Шунингдек, Ғузор туманидаги «Ёнқишлоқ» МФЙ ҳамда Шахрисабз туманидаги «Темирчи» МФЙ «Аёллар маслаҳат кенгаши» фаолияти юқори баҳолаб, уларга ҳам пул мукофотлари берилди.

Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»

Тизим фаоллари мукофотланди



Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги байрами арафасида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси тизимидан бир гуруҳ фидойилар ҳам «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги» эсдалик нишони билан тақдирланди. Шунингдек, Федерация тизимидан 6 нафар соҳа фидойиси «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони билан мукофотланди.

Касба уюшмалари Федерациясида ушбу нишонларни ўз эгаларига тантанали равишда топшириш маросими бўлиб ўтди.

Касба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Махмадалиев барчани энг улуг, энг азиз айём – истиқлолнинг 30 йиллиги байрами билан қутлаб, юксак эътирофга сазовор бўлганларни самимий муборакбод этди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ислохотлар, касба уюшмаларининг эл фаровонлиги йўлида олиб бораётган эзгу ишларини алоҳида таъкидлади.

– Юртининг энг улуг, энг қутлуғ айёми – истиқлолимизга 30 йил бўлди. Бу даврда барча соҳалар қатори касба уюшмалари ҳам юрт ободлиги, эл фаровонлиги йўлида қатор ишларни амалга ошириб келяпти. Ишчи-ходимларнинг ҳақ-хуқуқлари ҳимоя қилиниб, улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги» эсдалик нишони бу йўлдаги ишларимизда янада куч-қувват бағишлайди, – дейди Темирийўлчилар ва транспорт қурувчилари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси Қутлимурот Собиров. – Шу ўринда барча ватандош-

ларимиз, ҳамкасбларимизни юртининг 30 йиллик тўйи билан муборакбод этаман. Илоҳим, жонажон Ўзбекистонимиз ривожланган давлатлар сафига кирсин. Уша кунларни барчамизга кўриш nasib этсин. Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

– Меҳнат фаолиятимни бошлаганимга ярим асрдан ошган бўлса, шунинг кейинги 22 йили бевосита касба уюшма ташкилотларида ўтди, – дейди Санатор-курортлар бошқармаси ўқув-услубий маркази маданий-маърифий ишлар бўйича бош мутахассиси, иккинчи даражали «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони соҳибаси Махмуд Мурзаева. – Инсон ҳалол меҳнат қилса, ушунга юклатилган вазифага масъулият билан ёндашса, қадр топиши, эъзозланишига ўз ҳаётимда кўп бор гувоҳ бўлдим. Камтарона меҳнатларимни юксак баҳолаган барча-барчага ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Тадбирда сўз олганлар камтарона меҳнатларини юқори баҳолаб, шундай эътирофга муносиб кўрганлари учун давлатимиз раҳбарига ўз миннатдорликларини билдиришди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«ISHONCH»

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ЙЎНАЛИШЛАРИДА ИШЛАШ ҲУҚУҚИНИ ОЛИШ УЧУН ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛАДИ

Йўловчилар ташиш бўйича хизматлар кўрсатувчи барча давлат ва хусусий ташкилотларга:

1. Тошкент шаҳрида йўловчилар ташиш йўналишларини очик тендерларда жойлаштириш бўйича тендер комиссияси 2021 йил 5 октябрь куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида йўловчилар ташиш транспортда хизмат кўрсатиш учун шартнома(лар) тузиш ҳуқуқи учун Тошкент шаҳри, Яккасарой ту-

гани, Глинка кўчаси, 25-уйда очик тендер ўтказилади.

2. Очик тендерда мулкчилик шаклларида қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтказилган, шаҳарда йўловчилар ташиш ҳуқуқини берувчи ружхатнома (лицензия)га эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин.

3. Очик тендерга йўналишларнинг қуйидаги пакети қўйилади:

№	Йўналиш рақами	Йўналиш номи	Ҳаракат таркиби тури
1.	29A	«Тошкент молия лицейи – Хувайдо маҳалласи»	Автобус
2.	32A	«Сергели ба-мавзеси – Гулобод кўчаси»	Автобус
3.	38A	«Сергели 7-мавзеси – Ўзбекқилиқмак заводи»	Автобус
4.	40A	«Сергели мавзеси, 12 – даҳа – Тошкент вокзали»	Автобус
5.	42A	«Бешёғоч майдони – Кенсой кўрг.қилиқ.хўж.колл.»	Автобус
6.	43A	«Юнусобод мавзеси, 6-даҳа – Фтизиатрия институти бекати»	Автобус
7.	47A	«Дўстлик 2-мавзеси – Гулобод кўчаси»	Автобус
8.	48A	«Новатор ИЧБ – Ал Хоразмий мавзеси»	Автобус
9.	51A	«Юнусобод мавзеси, 6-даҳа – Бешёғоч майдони»	Автобус
10.	57A	«Эркин кўргони – Олой бозори бекати»	Автобус
11.	4И	«Чорсу савдо маркази бекати – Чилонзор буюм бозори АШБ»	Микроавтобус
12.	31М	«Қорасув 1-мавзеси АШБ – Буюк Ипак йўли метроси»	Микроавтобус
13.	52М	«Ибн-Сино 2-мавзеси АШБ – Малика фабрикаси бекати»	Микроавтобус
14.	98М	«Тошкент вокзали АШБ – Ал Хоразмий мавзеси»	Микроавтобус
15.	170М	«Қўйлиқ дехон бозори АШБ – Изза мавзеси»	Микроавтобус
16.	171М	«Юнусобод 9-даҳаси АШБ – Пахтакор метроси АШБ»	Микроавтобус
17.	191М	«Бешқўргон маҳалласи – Чорсу савдо маркази АШБ»	Микроавтобус

4. Очик тендерда қатнашишни хоҳловчилар Шаҳарда йўловчилар ташишни ташкил этиш комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Глинка кўчаси, 25-уйга 2021 йил 30 сентябрь соат 10:00 га қадар буюртманома беришлари лозим.

Буюртманомада йўловчилар ташиш ҳуқуқини берувчи ружхатнома (лицензия) мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар (лицензия рақами ва санаси) кўрсатилиши зарур.

5. Ҳужжатларнинг битта пакети битта йўналишга ёки йўналишлар пакетига берилади. Битта тендер ҳужжатлари пакетининг нархи 55 000 (элик беш минг) сўмини ташкил этади. Тендер ҳужжатлари пакети учун ҳақ қуйидаги ҳисоб рақамига ҳар қандай шаклда олдиндан тўланади:

Молия вазирлиги ғазначилиги:

х/р 2340 2000 3001 0000 1010

л/ч 4014108604262773422967279

ИНН: 201122919;

МФО: 00014; ОКЭД: 84112.

Қатнашчи томонидан олинган тендер

ҳужжатлари пакети учун тўланган ҳақ қайтариб берилмайди.

6. Тендер таклифларини топшириш муддати 2021 йил 4 октябрь соат 10:00 гача амал қилади.

Тендер таклифлари топширилгандан сўнг қатнашчилар уларга бирон-бир тузатиш киритиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

7. Йўналишларда йўловчилар транспорти хизмати кўрсатиш юзасидан тендер ғолиби билан шартнома камида 6 ойга тузилади.

Маълумот учун телефон рақами: 71/202-05-01(308)

Ижтимоий тармоқдаги саҳифамиз: Фейсбук:

<https://www.facebook.com/tashkentdeptrans/>

Телерам:

<https://t.me/toshdeptransport>

Инстаграм:

@shahar_transport_boshqarmasi

Мурожаатлар учун электрон

манзилимиз: <http://toshkent-mintrans.uz/>

Хизматлар лицензияланган.

Табриклар

МАДАНИЯТ, СПОРТ ВА ТУРИЗМ ХОДИМЛАРИ КАСБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИНИНГ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ БИРЛАШГАН ҚЎМИТАСИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни энг улуг, энг азиз айём –
МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ
билан самимий муборакбод этади!

Ғайрат-шижоатли, меҳнатсевар халқимизга сиҳат-саломатлик,
бахт ва омад, хонадонларига файзу барака тилаймиз.
Мустаҳкам соғлиқ, кўнгул хотиржамлиги ва битмас-
туғанмас бахт барчамизга ёр бўлсин.
Тинч ва осуда ҳаётимизга асло кўз тегмасин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

«ЎЗБЕКНЕФТГАЗ»

акциядорлик жамияти бошқаруви ҳамда
бирлашган касба уюшма қўмитаси

барча юртдошларимизни

Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг 30 йиллиги

билан қутлайди!

Тармоқ корхона ва ташкилотларида меҳнат қилаётган машаққатли касб
эгаларига тинчлик-омонлик, муваффақиятлар тилайди!
Жонажон Ватанимиз янада гуллаб-яшнайверсин!
Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

30

«МУБОРАК ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ» МАЪМУРИЯТИ ВА КАСБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Азиз ватандошларимизни энг азиз ва улуг байрам –

Истиқлолнинг 30 йиллик тўйи билан табриклайди!

Серкуёт дилериниз осмонни мусаффо, ҳаётиниз фаровон, меҳнат ютуқлариниз давомли бўлсин!

МУБОРАК ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ

30

30

30



ФАХРИЙЛАР ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси
Фахрийлар кенгаши мустақиллигимизнинг 30 йиллиги мүнсабати билан кўп йиллар соҳада фаолият юритган бир нечта фахрийни тақдирлади.

Хусусан, кўп йиллар тармоқ ходимлари касба уюшмаси тизимда раҳбар бўлган Озода Абдуллаева, Озода Мухиддинова, Бахтиёр Махмадалиев, Фарҳод Тошкенбоев ва Лола Жалоловага Республика кенгашининг қиммат-баҳо совғалари топширилди.

Меҳмонлар бир пиёла чой устида кечган салимий суҳбат чоғида ўтган даврдаги фаолиятни ёдга олишди. Эътибор ва ғамхўр-

лик учун масъулларга ўз миннатдорлигини изҳор этишди.

– Бугун кўп йиллик меҳнатларим рожатини кўряпман, – дейди Озода Абдуллаева. – Аиниқса, байрам арафасида ҳамкасбларимнинг эътибори мени икки хисса қувонтирди. Бундан беҳад миннатдорман. Шу ўринда айтар гапим – Истиқлолимизга асло кўз тегмасин!

Ўз мухбиримиз

Эълонлар

«BEST REALTOR» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога «SQB Constuction» МЧЖнинг 2021 йил 30 августдаги 259-буюртманомасига асосан қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

1. Фарғона вилояти, Риштон тумани, М.Топволдиев номидаги МФЙ, Тўқимачи кўчаси, 20А-уй манзилида жойлашган ер майдони 5870 кв. метр бўлган, қурилиш ости майдони 423,55 кв. метр, фойдаланиш майдони 440,94 кв. метрдан иборат, бошланғич баҳоси – 5 842 187 572 сўм бўлган Музей биноси;

2. Фарғона вилояти, Риштон тумани, М.Топволдиев номидаги МФЙ, Тўқимачи кўчаси, 20А/21-уй манзилида жойлашган ер майдони 122 кв. метр бўлган, қурилиш ости майдони 68,04 кв. метр, фойдаланиш майдони 47,7 кв. метрдан иборат, бошланғич баҳоси – 550 863 989 сўм бўлган Банк биноси.

Аукцион савдоси 2021 йил 4 октябрь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртмалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти).

Буюртмаларни қабул қилиш ва закат пули киритилишининг охири мuddати: 2021 йил 1 октябрь куни соат 18:00.

Юқоридаги кўчмас мулк объектлари 2021 йил 4 октябрь куни бўлиб ўтадиган аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, 2021 йилнинг охиригача ҳафтанинг ҳар сешанба кунлари соат 11:00 да такрорий савдолари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий савдолар учун буюртмаларни қабул қилишнинг охириги вақти расмий иш кунларида аукцион ўтказилишидан бир кун олдин соат 18:00 гача белгиланади.

Аукцион савдога қўйилган мулклар билан сотувчи ташкилот вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода қатнашиш учун буюртма билан бирлиқда қуйидагилар тақдим этилади:

– юридик шахслар учун давлат рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ишончли вакилнинг савдода қатнашиши учун унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома (раҳбар қатнашганда талаб қилинмайди);

– жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, савдода ишончли вакил қатнашган тақдирда, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

– ушбу билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига закатал тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати-нинг нусхаси.

Аукцион савдо юзасидан барча маълумотларни +99895 144-66-55 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

Савдо ғолибига аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида сотувчи билан олди-сотида шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк сотилиш баҳосининг тўлов мuddатлари ва бошқа шартлар сотувчи ҳамда харидор ўртасида олди-сотида шартномаси тузиш вақтида белгиланади.

Аукцион савдода қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини «Best realtor» МЧЖнинг АТБ «Kapitalbank» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт. 20208000500433601001, МФО: 00445, СТИР: 303179580.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун буюртмалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, А.Темур кўчаси, 25-уй. Тел.: +99895 144 66 55. Сайт: www.emulk.uz. Электрон почта: bestrealtor@inbox.uz. Лицензия: RR-0225.

Ўзбекистон энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси «Фарғона ҳудудий электр тармоқлари» АЖ бошланғич касба уюшма қўмитаси раиси Абдумалик Муллажоновга отаси Раҳматжон МУЛЛАЖОНОВНИНГ ҳамда онаси Мукарамхон МУЛЛАЖОНОВАларнинг вафоти мүнсабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ҳамкор суғурта» МЧЖнинг HS серияли 061502, 061892, 063149, 063148, 063194, 063122, 063123, 063337, 061993-сонли суғурта полислари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади ва ушбу полис доирасида юзага келадиган суғурта давволари бўйича Компания мажбурият олиб бормайди.

2002 йилда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси томонидан Уринов Машрабжон Шавкатович номига берилган № В 075687 рақамли диплом (рўйхат рақами: 15564) йўқолгани сабабли бекор қилинади.



ЎЗБЕКИСТОН ҚАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

*Барча юртдошларимизни энг улуг ва энг азиз байрам –
Ватанимиз Мустақиллигининг
30 йиллиги билан чин дилдан муборакбод этади!*

**Юртимизда юз бераётган ҳар бир ўзгариш, амалга
оширилаётган ҳар қандай эзгу иш, ташаббус,
у қайси соҳада бўлишидан қатъи назар, тинчлик ва
осойишталик, бирлик ва ҳамжиҳатликнинг самараси
эканини чуқур англашимиз зарур.**

**Қадр-қимматимиз, таянчимиз ва ифтихоримиз
бўлмиш шу азиз Ватанда яшаб, унинг тоза
ҳавосидан нафас олаётган ҳар бир юртдошимиз
дилида Мустақиллик аталмиш буюк неъматни ёт
кўзлардан, вайронкор ғоялар таъсиридан асрашдек
муқаддас бурч туйғуси ҳукмрон бўлсин.**

**Барча юртдошларимизга давлатимиз
Мустақиллигининг 30 йиллиги қутлуғ бўлсин!
Барча-барчангизга соғлиқ-омонлик, оилангизга
тотувлик, дастурхонингизга тўкинлик ва
файзу барака тилаймиз.**

*Шу эл, шу муқаддас Ватан ободлиги ва тараққиёти
йўлидаги эзгу ва савобли ишларингизда
Аратганнинг ўзи мадакор бўлсин!*

Сайёра ТҲҲИЕВА

ЎЗИМНИНГ ЭЛИМ

Гулга гул қўшилса, санъат бўлади,
Тилга дил қўшилса, миллат бўлади,
Элга эл қўшилса, давлат бўлади,
Давлатингдан айланай, ўзимнинг элим!

Пахтангдай беғубор сенинг юрагинг,
Кетмонлар соғинар чайир билагинг,
Худоё ер кўрмасин ботир курагинг,
Савлатингдан айланай, ўзимнинг элим!

Сабр, диёнатни кўзда тутган халқ,
Элнинг тинчлигини сўзда тутган халқ,
Жаннати бўлади рўза тутган халқ,
Ҳайитингдан айланай, ўзимнинг элим!

Нью-Йоркдан кўринса бўйлари сенинг,
Ўзбекча таралса куйларинг сенинг,
Имондан бичилган куйлагинг сенинг,
Иффатингдан айланай, ўзимнинг элим!

Эъзозлай меҳрдай поёндоз билан,
Мен сени севаман чин ихлос билан,
Дуолар қилайин жойнамоз билан,
Умматингдан айланай, ўзимнинг элим!

Сени етти иқлим тан олгани рост,
Мадҳинг қўшиқ бўлиб, таралгани рост,
Воз кечган хешларинг талпингани рост,
Қудратингдан айланай, ўзимнинг элим!

Баҳорнинг рангидан қўлингда байроқ,
Бир юрт кўрмайин-ей, сендан ҳам бойроқ,
Кўз тегиб қолмасин, қўрқаман бироқ,
Шухратингдан айланай, ўзимнинг элим!





ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

Ўзбекистон аҳлини мустақиллик
нашидасини сураётганимизга

30 ЙИЛ ТЎЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

самимий муборакбод этади.

Эл саломатлигини сақлаш йўлида фидокорона
меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларига ҳамда юртимиз
аҳлига соғлик-саломатлик, бахт-саодат ва
ишларида улкан зафарлар тилаймиз.
Ватанимиз осмони доимо мусаффо бўлсин!

*Мустақиллигимиз ҳамisha
бардавом бўлсин!*

30 yil



30

Азиз ватандошлар!

Сизларни ва яқинларингизни энг буюк, энг азиз байрамимиз –
Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг

30 ЙИЛЛИГИ БИЛАН

самимий муборакбод этамиз!

Барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга
файзу барака ва фаровонлик тилаймиз.

Мустақил Ватанимизнинг тинчлиги, гуллаб-яшнаши, разнақи
йўлида олиб бораётган ишларингизда зафарлар ёр бўлсин!

*Мустақиллик қадри боқий, байрам шукруҳи
файзли, истиқлолимиз абадий бўлсин!*



Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА

БАТАН

Ҳозирлан, бир шиддат, шахд келаётир,
Йўлда сенмас. Кўк дарахт келаётир.
Ватан деб аталмиш қадргоҳларда,
Байроқдай ҳилпирар вақт келаётир!



«Хўжаипок» санаторийси жамоаси



«KARAKALPAKSEMENT» МЧЖ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

30 yil

Қадрли юртдошларимизни, шу жумладан, давлатимиз
тараққиётига ҳисса қўшаётган тadbиркорларимизни энг азиз,
энг улуғ байрам – Ватанимиз мустақиллигининг
30 ЙИЛЛИГИ БИЛАН САМИМИЙ
МУБОРАКБОД ЭТАДИ.

Байрам шукруҳи кезиб юрган кутлуғ кунларда барчага
соғлик-саломатлик тилаймиз!

Юртимиз доимо тинч,
осмонимиз ҳамisha мусаффо бўлсин!
Кундан-кунга юксалиб, тараққий этиб
бораётган Янги Ўзбекистонимизга
асло кўз тегмасин!



«Surxondaryo mulk savdo» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Очиқ аукцион савдоларига қуйи-
даги мулклар қўйилмоқда:

1. «Термиз нефтбазиси» МЧЖ то-
монидан савдога чиқарилган, 1980
йилда и/ч. «GAZ 53A548» русумли,
75206ZAA давлат белгили, носоз авто-
машина. Бошланғич баҳоси – 9601230
сўм.
2. «Термиз нефтбазиси» МЧЖ то-
монидан савдога чиқарилган, 2009
йилда и/ч. 2PTS-4-79 русумли тиркама,
75AA094 давлат белгили, носоз тиркама.

Бошланғич баҳоси – 4900000 сўм.

Аукцион савдоси Термиз шаҳри,
Бахт кўчаси, 3/45-уй манзилида 2021
йилнинг 15-, 16-, 17 сентябрь кунлари
соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади.
Аукцион савдосида қатна-
шиш истагида бўлган талабгорлар
«Surxondaryo mulk savdo» МЧЖ би-
лан закат шартномасини расмий-
лаштириб, қуйидаги ҳисобрақамга
(банк: ЧЭКИ «Ҳамкорбанк», х/р:
20208000400868025001, МФО: 01001,

СТИР: 305471954) сотилаётган мол-
мулк бошланғич баҳосининг 10 фо-
изидан кам бўлмаган миқдорда зака-
лат пули тўлаган ҳолда ариза бериб,
руйхатдан ўтишлари шарт.

Аризаларни қабул қилиш савдо
бошланишидан бир кун олдин тўхта-
тилади.

Мурожаат учун манзил: Термиз
шаҳри, Бахт кўчаси, 3/45-уй. Тел.: 76-
224-36-76.

Хизматлар лицензияланган.

Эълон

Эй, умри азия

«Сени севганлигим айбим...»

Ўзбекистон халқ ҳофизининг Фахриддин Умаров ҳаёт бўлганида, фусункор кўзнинг илк кунинда ўзининг 95 ёшини қарши олган бўларди. Ҳофиз кўнунча туғилган кунларида ўз дил розларини яқинлари, шогирдлари даврасида қўшиқлари билан ифодалагани, шу тариқа ўзининг бир йиллик ижодий сарҳисобини қилганига бир неча бор гувоҳ бўлганмиз.

Илк бор бундан рота 40 йил муқаддам ҳофизнинг Қибрайдаги файли, ҳовлисида бўлиб ўтган шукроналик тадбирида иштирок этган эдим. Эшитишимча, бундан аввалги маросимлар бу ҳақда серфайз ўтмаган. Ўтган асрнинг олтинчи йилларида ўз қўшиқлари билан инсон боласи кўтара олмайдиган даражадаги шон-шухрат чўққисига чиққан санъаткор ҳеч қилинганда тақққа учраганини бугун ёши катта авлод вакиллари яхши эслайдилар. Аммо бундай «запрет»га оддий бир ҳол – инсоний лафзига содиқлиги сабаб бўлганини ҳамма ҳам билвермас керак.

Оз эмас, ўн икки йил давомида унинг концертлари ташкил этилмади, давлат тадбирларида қақчилмади, радио ва телевидениеда кўринмади. Босма оммавий ахборот воситаларида эса у киши ҳақида тўхтат мақолалар чоп этилди, холос.

Ана шундай оғир бир вазиятда Фахриддин Умаровни юпатадиган битта-ю битта таскин бор эди. Бу – халқнинг санъаткорга бўлган чексиз муҳаббати.

Мамлакатимизнинг барча гўшаларидан тўйларга тинимсиз таклифлар келиб турарди. Фахриддин Умаров хизмат қилган тўйларнинг довури довол ошарди, тўйхонага етти маҳалладан мухлислар келиб, одам синмай қолар эди.

Иштор қилганимиз 12 йиллик тақққ бироз «юмшаган»идан сўнг ўтказилган биринчи, кенг давра олган оилавий тадбир эди.

Ушанда мен «Тошкент ҳақиқати» газетасида хизмат қилардим. Айнан шу йили ёз ойларида газетамиз саҳифаларида Фахриддин Умаров ҳақида каттагина мақола ҳофизнинг сурати билан чоп этилди. Газетада тақққдаги танқил шахс ҳақида юқоридан берухаст, ўзбошимчалик билан мақола бериш ўша даврда ўзига хос жасорат эди. Шундан сўнг Фахриддин Умаров қўшиқлари онда-сонда бўлса-да, радио орқали янгради, ҳофизнинг ўзи телеэкранларда кўриниш бера бошлади.

Дарвоқе, туғилган кунга меҳмонлар қақчилмади. Лекин, биз – газетанинг бош муҳаррири ва икки нафар ҳодими расман таклиф қилинган эдик.

Тадбирнинг авжи палласида давра раиси қўшиқ навбатини маросим мезбони – Фахриддин Умаровга берди. Ҳеч қилинганда, ардоқли ҳофизимиз даврага мени – ўша мақола муаллифини чорлади ва микрофонни қўлимга тутқазди. Орадан йиллар ўтиб, нималар ҳақида гапирганимни эслолмайман, лекин санъаткорнинг нима учун менга сўз берганини ўзимча мушоҳада қиламан.

...Фахриддин Умаровга ўзини муҳбир сифатида таништириб, у ҳақида мақола ёзиш ниятим борлигини айтганимда, унинг юзларида ажабланиш аломатларини кўрганман. Бу ажаб-

ланиш унинг илк саволида ҳам зуҳур топган эди.

– Мен ҳақимдаги яхши-ёмон гапларнинг ҳаммаси маълум. Сиз энди нималар ҳақида ёзмоқчисиз?

– Фахриддин Умаровнинг қўшиқчилиги мактаби ва унинг шогирдлари – Тошкент қўшиқчилиги мактабининг давомчилари ҳақида ёзмоқчиман, – дедим ёшликка хос шижоат билан.

– Фахриддин Умаровнинг қўшиқчилиги мактаби, Тошкент қўшиқчилиги мактаби? – ҳайрат билан сўзларимни такоррлади суҳбатдошим.

Ўзбек қўшиқчилиги санъатининг ўз мактаблари, даргалари борлиги, Хоразм, Фарғона, Самарқанд ижрочилиги йўллари, уларнинг асосчилари ва ўзига хос томонлари ҳақида гапирдим. Кейин Фахриддин Умаров санъати тимсолида Тошкент қўшиқчилиги мактабини таърифладим. Уни бир сўз билан лирик қўшиқлар мактаби деса бўлади, дедим.

– Ёшингиз неччида, – сўзимни бўлди ҳофиз.

Бу саволдан жуда хижолат тортидим. «Сен кимга ақл ўргатясан, тирранча?», дегандек эшитилди менга бу савол. Шундай бўлса-да, жавоб қайтардим.

Суҳбатдошимнинг чехраси ёришди:

– Ёшлар мени билмайди, эшитмайди, деб

ошардим...

Фахриддин Умаров қўшиқларини ёшу қари баробар севи тинглаш иши, уларда энг нозик инсоний туймуҳаббат, дард мана шу балқиб туришини, овози ва услуби бетакрорлигини таъкидламоқчи бўлдим.

Мақтов ҳаммага ёқади. Агар у чиндан асосли бўлса, икки қарра хушнуд қилади. Эҳтимол, ҳофиз даврадан ушанда катта даврага кичкина бир муҳбирни чорлаб, микрофон тутқазар экан, ана ўша гапларни ҳамманинг олдида яна бир бор қайтаришимни хоҳлагандир...

Фахриддин Умаров беихтиёр тўқилганиб кетди. Ҳамиша қандайдир қорлаб, микрофон тутқазар экан, ана ўша гапларни ҳамманинг олдида яна бир бор қайтаришимни хоҳлагандир...

Фахриддин Умаров беихтиёр тўқилганиб кетди. Ҳамиша қандайдир қорлаб, микрофон тутқазар экан, ана ўша гапларни ҳамманинг олдида яна бир бор қайтаришимни хоҳлагандир...

Сени севганлигим айбим, менинг ўзга гуноҳим йўқ, бу ишдан бир ўзинг воқиф, менинг ўзга гуноҳим йўқ...

Биринчи суҳбатимиздан сўнг орадан анча вақт ўтди. Мақола газета юзини кўргунга қадар биз яна бир неча

марта учрашдик. Ҳар сафар Фахриддин Умаров хонадонига борганимда уни санъаткорлар, адабиётчи олимлар даврасида кўрар, жуда завқли суҳбатларнинг гувоҳи бўлар эдим. Ҳофиз қўшиққа солган Навоий, Бобур, Машраб ғазалларини эшитиб, ҳар сафар мумтоз адабиётимиз дурдоналарини қайтадан кашф қилгандек бўлаверардим.

Ана шундай суҳбатларнинг ҳар бирида у мумтоз адабиётимизни нақадар чуқур билиши, ғазалии чироили ўқиши, ҳар бир сўз замиридаги маъно ва рамзларни эринмай шарҳлаши, асарни муҳлига етказишда ургун қайси сўзга бериш лозимлиги, талаффузининг ўзига хос жиҳатлари айтиб қаратишининг гувоҳи бўлганман. Бу эса мени ҳофизга, унинг санъатига кўпроқ боғлаб, ошуфта қилиб борар эди.

Яна бир ҳолатга шахсан гувоҳ бўлганман. Ўз даврининг катта амалдорлари иштирок этган тор доирадаги зиёфатга Фахриддин Умаров ҳам таклиф этилган эди. Хонага тор кўтариб кирган ҳофиз салом-аликка ҳам улгурмай, ҳужумга учради. Бутун мамлакат матбуотини илкда ушлаб турган вақир мақомидида амалдор гапни «Онам ўлганида кўнгил сўрашга ҳам келмадим», дея гинадан бошлаб, бор эйтирозу ғазални тўқиб соқди. Ҳофиз ҳақида ёзилган, фелетонни ушлаб турганини, керак бўлса, битта имо билан энг катта газетда бердириб юбориши мумкинлигини айтиб, пўписа қилди.

Ҳофиз гап қайтармади, ўзини оқлашга уринмади ҳам. Бир жуфт қўшиқ айтишга келганини билдириб, қўлига созини олди-ю... «Амалу давлатнинг ўқидир, мудом турмас камонингда», деб қўшиқ бошлади.

Ушанда у кишининг ҳозиржавоблиги ва жасурлигини ёқа ушлаганман. Дарҳақиқат, назм ва наво ҳофиз ҳаётининг мазмунига айланиб бўлган эди. Санъаткорнинг умр баёнини унинг қўшиқларидан изламоқ лозим, деган хулосага келганман.

Дерлар: одам боши қаттиқдир тошдан...

Ана шу сатрлар билан бошланадиган қўшиқни ҳофиз ўзи ҳақида айтган бўлса, не ажаб.

Унинг ҳаёт йўли жуда мураккаб кечди. Болалик йиллари Украинанинг олис пучмоқларида сургунлиқда ўтди, «Кулакнинг боласи», деган таққи-лаънат пешонасига абадий муҳрлангандек эди. «Онам дерман», деган қўшиқини сургунда, зору ночорликда бандаликни бажо қилган волидасини эслаб ёзгандир, эҳтимол? «Учиб ўтган қалдирғоч, ерга айт саломимни», деб бошланадиган қўшиғи эса васл фироғи эмас, олис ўлкаларда кечган Ватан соғинчининг ифодасидир, балки?

Мевали дарахтга тош отилади. Фахриддин Умаров умрининг охиригача ҳар қандай майда гап-сўзлардан ўзини юқори қўя олди. Бу унинг эл-юрт олдидаги ҳурмат-иззатини чандон оширди.

Мустақиллик йилларида унга «Ўзбекистон халқ ҳофизининг» фахрий унвони берилди. Кўни кеча яна бир хушхабар тарқалди: Президентимиз имзолаган фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан марҳум санъаткор Фахриддин Умаров «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан мукофотланди. Бу – жуда муносиб эътироф.

Фахриддин Умаров мураккаб, айна вақтда, шарафли умр ва ижод йўлини босиб ўтди. Бу йўлда азоб-қувбатларни ҳам кўрди, камдан-кам санъаткорга нақиб этадиган шон-шарафга ҳам бурканди. Кўп йиллар машҳурлик чўққисига, санъатсевар халқимизнинг чексиз меҳр-муҳаббати, ардоғида ашади. Умрининг охиригача санъатга, ўз эътиқодига содиқ қолди.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ, журналист

Реклама ўрнида

30 yil «ТЕРМИЗ МАРВАРИДИ» санаторийси жамоаси

Янги Ўзбекистоннинг барча жабҳаларида матонат кўрсатиб, улкан меҳнат зафарларига эришадиган барча юртдошларимизни энг улуғ ва энг азиз байрамимиз – ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ 30 ЙИЛЛИК ҚУТЛУҒ ТҶЙИ билан самимий муборакбод этади.




«Термиз марвариди» санаторийси деб номланган мазкур мафтункор масканда 2021 йилнинг ўтган даврида 2000 нафардан ортиқ юртдошимиз, 41 нафар хорижий давлатлар фуқароси ўз саломатлигини тиклади.

Мамлакатимизда олтингууртли ва йодбромли маъдани шифобахш сую билан муолажа олиб борадиган етакчи сўхатгоҳ бўлган бу дароҳда юрак қон-томир тизими, неврологик, ҳаракат таянч тизими, тери, моддалар алмашинуви бузилиши ҳамда эркаклар ва аёллар жинсий аъзо касалликлари билан хасталанганлар шифо топтомоқда.

Сўхатгоҳда бир вақтда 220 киши даволаниш имкониятига эга. Улар учун 70 ва 90 кишига мўлжалланган 4 қаватли 2 та бино хизмат кўрсатади. Хоналар замонавий жиҳозланган. Бундан ташқари, 5 та махсус коттежлар мавжуд.

Дам олувчиларнинг яхши ҳордиқ чиқариши учун маданият саройи, футбол майдони, 3D кинотеатр, махсус болалар ўйингоҳи, болалар арғимчоғи (от, ракета, оддий арғимчоқ), 220 ўринли ошхона, катталар ва болалар бассейни, болалар учун эртақлар шахарчалари, 2 та фонтан, 1 та мини стадион, 1 та тоғ ландшафт шаршараси, 10 дан ортиқ турли савдо нуқталари фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, қаҳвахона, ресторан, диско-барлар ишлаб турибди.

Манзилимиз: Сурхондарё вилояти, Термиз тумани, «Уққизил қўрғони».



МУАССИС:



ISSN 2010-5828
2007 йил 11 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
116-рақам билан
рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва
«Ishonch-Доверие»
газеталари
тахрир ҳайъати:

Кудратилла РАФИҚОВ

(тахрир ҳайъати раиси),

Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Кутлимурот СОБИРОВ,
Сухроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира КАРИМОВА,
Анвар ҚУЛМУРОВО

(Бош муҳаррирнинг
биринчи ўринбосари),

Меҳриддин ШУКУРОВ

(Масъул котиб – «Ishonch»),

Валентина МАРЦЕНЯК

Бош муҳаррир

Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти –
(71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва ҳалқаро ҳаёт –
(71) 256-52-89
Миллий-маънавий
қадриятлар ва спорт –
(71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар
билан ишлаш –
(71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна –
(71) 256-87-73

www.ishonch.uz

сайт орқали Ўзбекистон
Республикаси Президентининг
фармон ва қарорлари,
энг сўнгги янгиликлар,
тахлилий, танқидий
мақолалар, хабарларнинг
тўлиқ матни
билан танишингиз
мумкин.

Хўдудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон
Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда
манба сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят
нуқтаси назардан
фэрқлангани мумкин.

Навбатчи муҳаррирлар:

Ж.Наҳсанов,

А. Абдурахмонов

Муҳаррирлар:

Д. Худойберганаева,

Ғ.Мираҳмедов

Саҳифаловчи:

Ҳ. Абдуқалилов

Босишга топириш вақти – 04:57

Топириш вақти – 05:20

Газета офсет усулида,

А-2 форматда басилди.

Ҳажми 4 босма тасоқ.

Буортма Ғ – 906.

27567 нускада басилди.

Нашр кўрсатиши: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нархда

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,

Бухоро кўчаси, 24-уй.

E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба
ва шанба кўнлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Қорхона манзили:

Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Тахририят ҳисобрақами:

2021 0000 0004 3052 7001,

АТИБ «Ispoteka bank»

Яшнобод филиали,

Банк коди: 00959,

СТИР: 201133889,

ОКЭД: 58130



«Кечалар китриқларимда тарки қаб айлар ҳаёт,
Ҳақ савол айлар кўнчилига, ҳақ жавоб айлар ҳаёт...»

Ун икки йиллик тақққдан сўнг матбуотда (1981 йил) илк бор эълон қилинган сурат.

«Тошкент ҳақиқати» газетаси фотоархивидан

Александр АБАЛҲАН олган сурат